



# ЮНУС ЭМРО




Нечун ăңғдарсен,  
Эй бұлбұл



Юнус Эмре  
(1240 ~ 1321)

ЮНУС ЭМРО



Нечун айғдарсен,  
эй булбұл

(шерлар)



ТОШКЕНТ,  
«O'ZBEKISTON»

2018

УЎК 821.512.161-1

КБК 84(5Тук)

Э 58

Усмонли турк тилидан  
Ўзбекистон халқ шоири  
**Жамол Камол ўзбекчалаштирган**

Масъул муҳаррир  
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,  
академик **Тўра Мирзаев**  
Нашр ташаббускори  
**Анвармирзо Ҳусаинов**

Э 58

**Эмро, Юнус.**  
Нечун йиғларсен, эй булбул? [Матн]: шеърлар /Ю. Эмро. –  
Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2018. – 240 6.

ISBN 978-9943-25-502-9

*Уибу нашр бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг 1213-сон-  
ли хulosasi олинди.*

Юнус Эмро – XIII асрнинг ўрталари, XIV асрнинг бошли-  
рида яшаб ижод этган буюк турк шоири, Хўжа Аҳмад Яссавий,  
Мавлоно Жалолиддин Румийларга эргашиб, гўзал сўфиёна ман-  
зумалар яратган илоҳий ишқ куйчисидир.

Тими содда, услуби енгил ва равон, инсонларни Ҳақ ва  
ҳақиқатта ундаиди. Бир жиҳатдан ўзбек халқ бахшиларига,  
иккинчи ёқдан ўзбек ўқувчиси учун Бобораҳим Машрабга  
оҳангдош. Юнус Эмронинг ҳаёт тарзи ҳам Машрабга монанд:  
умр бўйи бир ерда қўним топмаган, қўлда соз ва тилида шеър или  
шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, ижод намуналарини  
оҳангта солиб, халқ йигинларида айтиб юрган.

Орадан шунча замон ўтса ҳамки, Юнус Эмро ўз ватани  
Туркияда ва узоқ-яқин халқлар орасида маълуму машҳур, шеър-  
лари севиб ўқилади, давralарда, тўю тантаналарда қўшиқ қилиб  
куйланади.

Турк мумтоз шеъриятининг устоз шоири бисотидан саралан-  
ган ушбу гулдастани азиз китобхонларимизга зўр мамнуният или  
тақдим этамиз.

КБК 84(5Тук)  
УЎК 821.512.161-1

ISBN 978-9943-25-502-9

© Юнус Эмро, 2018

© «O'zbekiston» НМИУ, 2018



## ОНА СУТИ КАБИ АЗИЗ ВА ЛАЗИЗ

Маълумки, Мавлоно Жалолиддин Румий — Туркия тупроғида ўсиб-улгайиб, шеърият байроғини осмонларга кўтартган, башарият шоири деб донг та-ратган даҳо ижодкордир. Мавлонодан сўнг Туркия тупроғида етишиб, энг буюк шоир дея танилган ик-кинчи буюк зот, шубҳасиз, Юнус Эмродир.

Юнус Эмронинг қаерда ва қачон туғилганлиги аниқ-дақиқ маълум эмас. Айрим тадқиқотларга кўра, 1240 йилда таваллуд топган ва саксон ёшдан ортиқроқ умр кўриб, вафот этганини тахмин қилиш мумкин. Ўнлаб манзилларда мозорлари мавжуд. Турли миңтақалар, музофотларда яшовчи инсонлар Юнус Эмронинг ўз манзилларига яқин бир жойда яшагани ва вафот этганини айтиб, шунга ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам ишонтиromoқчи бўлишади. Бу шоирнинг умумхалқ муҳаббатига қанчалар мұяссар бўлганига бир далил, албатта. Атоқли озарбайжон шоири Бахтиёр Ваҳобзода бу ҳақда:

*Ҳар кун қазилур чунки кўнгилларда мозори,  
Ўтларда, чечакларда ва гулларда мозори, —  
деб бежиз айтмаган.*

Шоирни баъзилар уммий, яъни саводсиз бўлган дейишади. Аммо унинг Кўнёда мадрасада таҳсил

олгани, ҳали толиби илм эканидаёқ, Мавлоно билан учрашиб, Пирин маънавий сұхбатига мушарраф бўлгани тарихий ҳақиқат. Бу ҳақда шоирнинг ўзи зўр ифтихор ила сўзлайди. Бунинг устига, Юнус Эмро шеърларини ўқиган китобхон унинг фоят билимдон ва дунё кўрган, жаҳонгашта зотлигига ишонч ҳосил қиласиди. Ўзи Руму Шом ва бутун юқори элларда сайру саёҳат қилганини айтади. Бу ерда Рум — Анадўли, Шом — Суря эканлиги англашилади. Юқори эллар, яъни Шимолий ўлкалар — Эрон ва Озарбайжон демакдир. Бир манзумасида Табриз, Нахчивон, Мараш, Сиваш, Шероз шаҳарлари тилга олинади. Юнус Эмро узоқ-яқин ўлкаларни кезиб, ҳар манзилда бир муддат қўним топиб, инсоний кўнгил излайди. Ҳассос сўзи, илоҳий ҳикматлари илинглаб кўнгилларга кириб, у масканларда абадий яшаб қолади. Мана, орадан етти асрдан кўпроқ вақт ўтибдики, унинг шеърлари (илоҳийлари) у ёғи Кичик Осиё, бу ёғи Болқонлар ва Кавказларда миллионлаб хонадонларда севиб ўқиласиди, қўшиқ қилиб куйлади.

Хўш, Юнус Эмро шеърларига шу қадар жон ва жозиба бағишлиган куч, хислат нима? У буюк салафлари Мавлоно Жалолиддин Румий ва Хўжа Аҳмад Яссавий анъаналарини давом эттириб, илоҳий ишқни куйлади.

*Ишқ — устурлоби асрори Худо, —*  
демишлилар Мавлоно Румий. Яъни, бандаси Яратувчининг асрорига, икки оламнинг сирру синоатига фақат ишқ воситасида етишмоғи мумкин. Аввал-ибтидо — эркакнинг аёлга, аёлнинг

эркакка мұхаббатидир. Бошқа севгилар ана шу ишқдан туғилади. Чунончи, ота-онаға, фарзандларга, яқинларга ва ниҳоят, ягона ҳам мутлақо олий Аллоҳға мұхаббат ҳам. Бу — Тангрининг инсонларга ато этган буюк неъматидир.

Иккинчи ёқдан, инсон ўзининг Аллоҳға бандалигини ҳамиша ҳис қилиши, дили, тили ва ҳаракат-аъмоли ила шу буюк ҳақиқатни доимий эътироф этиши, тасдиқлаши лозим. Акс ҳолда, у фақат еб-ичиш, айшу ишрат суришни ўйлайдиган олифта ҳайвон даражасига тушиб қолиши муқаррар. Юнус Эмро шеърларини ўқир экансиз, ана шу мулоҳазалар беихтиёр кўнгилга қуйилиб келаверади. Шоирнинг шеърларида Аллоҳ, одам ва олам муносабатлари ўта ҳассослик ила қаламга олиниб, исломий, Қуръоний ақидалар доирасида талқин ва тараннум этилади. “Оламдан мақсад — одам, одамдан мақсад — Ҳудо, Ҳудодан мақсад — инсоний камолот, камолотнинг эса чек-чегараси йўқ” деган буюк холосага юракдан иймон келтирасиз. Зоро, оламни билмоқ ҳам, Аллоҳни билмоқ ҳам ўзни билмоқдан бошланади. Шуни таъкидлаб:

*Илм — илм олмоқдир.*

*Илм — ўзни билмоқдир,*

*Сен ўзингни билмассен,*

*Бу нечук ўқимоқдир?*

— дейди шоир.

Бу ўзликни англашга ундовчи оташин даъват биз, йигирма биринчи аср одамлари учун ҳам бағоят мұхим, долзарб аҳамиятга әгадир.

Сўфий шоирнинг шеърияти асосан фольклор, халқ ижоди йўналиши – ҳижо(бармоқ) вазнида яратилган. Аммо гоҳида арузий манзумалар ҳам учраб турди. Парвардигорга бўлган муҳаббатини у гўзал арузий сатрларда шундай ифода этади:

Сенсан менинг жонимга жон,  
сенсиз қарорим йўқдурур.  
Жаннатда сен эрмас эсанг,  
валлоҳ, назорим йўқдурур...

Юнус басе ошиқ сенга,  
кўрсат жамолингни анга.  
Дилдор фақат сенсан менга,  
ўзга нигорим йўқдурур...

Юнус Эмронинг тили – XIII аср усмонли турк тили бизнинг бугунги ўзбек тилимизга жуда яқин. Ифода услуби – халқ бахшилари услубига хос сода, равон, Хўжа Аҳмад Яссавий ҳикматларини эслатади. Ўртадаги оҳангдошликни кўриб, ҳайрон қоласиз. Гўё икки авлиё шоир, бири дунёning у чеккаси, бири дунёning бу чеккасида туриб, айни соз, айни овоз ила инсонларни Ҳаққа, ҳақиқатга ундаиди. Бу – халқларимиз ўртасидаги тил ва қўнгил бирлиги, пайвандлигидан дарак.

Ўзбекистон халқ шоири, забардаст таржимон, устоз Жамол Камолнинг саъй-ҳаракати, ижодий ғайрати туфайли Мавлононинг буюк “Маснавий”си халқимизнинг маънавий мулкига айланди. “Дунёning китоби”, “Маснавий шариф” деб ном қозонган бу асарни Ўзбекистонда бугунги кунда минглаб хонадонларда севиб ўқишишмоқда.

Аллоҳга шукурки, таниқли халқ дипломати Анивармирзо Ҳусаиновнинг ташаббуси ва Жамол Камолнинг ижодий хизмати боис қардош Туркияда нашъу намо топган яна бир буюк зот, илоҳий ишқ куйчиси, турк миллати қўнгил дунёсининг мохир ифодачиси ва миллий дунёқарашни шакллантиришга улкан ҳисса қўшган машҳур мутасаввуф Юнус Эмро бугун юртимизга ташриф буюрмоқдалар. Шоирнинг шеърлар китоби халқимизга тақдим этилмоқда. Бу нашр тили, дини, маданияти, маънавияти муштарак бўлган Туркия ва Ўзбекистон халқларининг бирлиги ва биродарлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Юнус Эмро сайланмасига сўзбоши ёзган адабиётшунослар Севги ва Айваз Гўқдемир унинг шеърларига “Ҳар бир турк учун она сути кабидир” деб таъриф беришган. Биз бу таърифга азиз ва лазиз сифатларини қўшишни истардик.

Она сути каби азиз ва лазиз шеърлари билан юртимизга кириб келаётган Юнус Эмронинг қадами қутлуғдир. Бу қадам ўзбек диёри, Туркистон тупроғидан ҳеч қачон узилмасин.

## Ислом Йўлдош

(1)

**(Аллоҳга Мұхаммаднинг муножоти)**

Ё Рабби Саттор ул-үйуб,  
сендан тилармен умматим,  
Ё Ҳаййу Faффор уз-зунуб,  
сендан тилармен умматим.

Бу дам муножот айлайиб,  
минг турли ҳожат сўйлайиб,  
Ўзни маломатга қўйиб,  
сендан тилармен умматим.

Тутдим баланд ҳимматни мен,  
қутқарғали умматни мен,  
Ўксик етимни сийла сен,  
сендан тилармен умматим.

Ота-онамни истамам,  
дунёси-чун йўқ менда ғам,  
Умматни қўлдин қўймирам,  
сендан тилармен умматим.

Тупроқка ҳар дам юз суреб,  
эшикка ўтру ўлтириб,  
Жоним ҳақи шукрон этиб,  
сендан тилармен умматим.

Ул дамки келдим онадин,  
кечдим бу фоний хонадин,  
Кўлни ювиб вайронадин,  
сендан тилармен умматим.

Пойингда бошим индириб,  
кўзимни ёшга тўлдириб,  
Оҳим жаҳонга билдириб,  
сендан тилармен умматим.

Умматим-чун келдим ҳамон,  
химматни юксак айлабон,  
Менга керакмас мулку жон,  
сендан тилармен умматим.

Кўнган маконим бўлди шул,  
остимда химмат отидур,  
Умматни деб ёндим нуқул,  
сендан тилармен умматим.

Мен келмадим учмоҳ<sup>1</sup> учун,  
хуру пари қучмоқ учун,  
Шу бир ҳовуҷ тупроқ учун,  
сендан тилармен умматим.

Исмим Мухаммад деб атаб,  
дардим аёндир сенга, Раб,  
Инъому эҳсонинг сўраб,  
сендан тилармен умматим.

<sup>1</sup> Учмоҳ – жаннат.

Уммат ғами түшиди менга,  
боримни бахш этдим анга,  
Күз солма уммат айбига,  
сөндән тилармен умматим.

Ул Тури Сино ҳаққи-чун,  
Макка ва Мино ҳаққи-чун,  
Шаҳри Мадино ҳаққи-чун  
сөндән тилармен умматим.

Сенсан Аҳад, сенсан Самад,  
эҳсонинга йўқдир адад,  
Ошиқ Юнусга бер мадад,  
сөндән тилармен умматим...

(2)

(Аллоҳнинг Мұхаммад муножотига маржамати)

Лутф айлабон айтар Ҳудо, умматни деб  
чекма жафо,

Бу дам сенга этдим ато,  
базишиладим умматингни.

Умматни мендан тиладинг,  
химмат қиличин сирмадинг,

Мажкам тут ушибу ниятинг,  
базишиладим умматингни.

Бошинг кўтаргил, эй ҳабиб,  
дардлиларга сенсан табиб,

Умматни этма сен ғариб,  
базишиладим умматингни.

Отингни Аҳмад қўймишам,  
шайтонни сендин қувмишам,

Куффорни қурбон этмишам,  
базишиладим умматингни.

Дардлиларга бердим даво,  
ҳожатларин этдим раво,

Мени севган сенга шайдо,  
базишиладим умматингни.

*Бургил юэингни Аршима,  
түшак түшалди фаршима,  
Кел бери, турма қаршима,  
базишиладим умматингни.*

*Турган еридан кеткизай,  
пули Сиротдин ўткизай,  
Кавсар шаробин ичкизай,  
базишиладим умматингни.*

*Сен мунчаким ёш тўкарсен,  
кўксингга бошинг эгарсен,  
Инъомимни фош этарсен,  
базишиладим умматингни.*

*Эй еру кўкнинг сарвари,  
билисин сени инсу пари,  
Охир замон пайғамбари,  
базишиладим умматингни.*

*Лутф айлабон айттур ғани,  
осийларга бердим сани,  
Ўздин жудо билма мани,  
базишиладим умматингни.*

*Умматинг ўтга ташламам,  
куфру гуноҳга бошламам,  
Сўзинг азиздир ҳаммадан,  
базишиладим умматингни.*

Сенки етимлар бошисан,  
ёнган жигарлар ошисан,  
Умматингни йўлдошисан,  
багишладим умматингни.

Юз минг шукур султонимиз,  
яна севинди жонимиз,  
Чунки деди Субхонимиз:  
багишладим умматингни.

Юнус Эмро дейди: сафо  
Пайғамбарингдир мужтабо<sup>1</sup>,  
Чун Ҳақ деди: “Ё Мустафо!  
Багишладим умматингни!”

<sup>1</sup> Мужтабо — сайланган, танланган.

(3)

Сварман мен сени жондин ичкари,  
Йўлим бўлмас бу аркондин ичкари.

Кайга боқар эсам, унда эрурсен,  
Сени қайга қўяй мендан ичкари.

Ул бир дилбардурур, йўқдир нишони,  
Нишон бўлгайму нишондин ичкари.

Мени мендан сўрма, менда эмасмен,  
Суратим бўши юрас тўндин ичкари.

Мени мендан олганга етмас қўлим,  
Қадам ким босар султондин ичкари.

Тажаллодин насиб етса кимсага,  
Мақсади бўлурму андин ичкари.

Кимга дийдор кунидин шуъла тегса,  
Унинг шуъласи бор кундин ичкари.

Сенинг ишқинг мени мендан айрмиш,  
Не ширин дард бу, дармондин ичкари.

*Шариат, тариқат йүлдир йүлчига,  
Хакиқат, маърифат андин ичкари.*

*Сулаймон қуш тилин билар, дедилар,  
Сулаймон бор Сулаймондин ичкари.*

*Унутдим, дин, диёнат қолди мендан,  
Бу не мазҳабдурур диндин ичкари.*

*Ким динни тарк этса, куфурдир иши,  
Бу не куфурдир иймондин ичкари.*

*Кечар экан, Юнус ҳеч бўлди дўстга,  
Қолди остоноада андин ичкари.*

(4)

Сенсан менинг жонимга жон,  
сенсиз қарорим йүқдурур,  
Учмоҳда сен эрмас эсанг,  
валлоҳ, назорим йүқдурур.

Боқсам, сени кўргай кўзим, сўйлар эсам,  
сенсан кўзим,  
Сени кузатмакдан бўлак орзу, шиорим йўқдурур.

Мен ўзлигим тарк этмишам,  
гўёки сенга ўтмишам,  
Не қолу не ҳолда эсам, бир дам қарорим йўқдурур.

Валлоҳ, мени Жиржис<sup>1</sup> каби етмиш бор  
ўлдирсанг магар,  
Сенга борармен қайрилиб, зероки орим йўқдурур.

Юнус басе ошиқ сенга, кўрсат жамолингни анга,  
Дилдор фақат сенсан менга,  
ўзга нигорим йўқдурур.

---

<sup>1</sup> Жиржис – фаластилинлик пайғамбар.

(5)

Сенсан карим, сенсан раҳим,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим,  
Сендан бўлак йўқ малҳамим,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим.

Ажал келди, ваъда эрди,  
Бу умрим қадаҳи тўлди,  
Уни ичмаган ким қолди,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим.

Кўзларим ожиз сузилди,  
Қоним гавдадан узилди,  
Тилагим тоти бузилди,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим.

Зуд бичилди кафан тўним,  
Ҳазрат сари тушди йўлим,  
Ажаб, нечук кечар ҳолим,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим.

Ўчоқда сувим илиди,  
Қавму қариндошим келди,  
Қавмим эсон қолсин энди,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим.

Салотимга навбат келур,  
Тўрт ёнга сало айтилур,



Эл намозимга тизилур,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим.

Тобутимни кўтаргайлар,  
Мақбарам сари элтгайлар,  
Ҳалқа олиб ўлтиргайлар,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим.

Жанозамга қўл очурлар,  
Устимга тупроқ сочурлар,  
Сўнгра ҳар тараф қочурлар,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим.

Етти тамуғ<sup>1</sup>, саккиз учмоҳ,  
Ҳар бирининг бордир йўли,  
Ҳар йўлда юз минг бозори,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим.

Кейин Мункар, Накир келур,  
Саволлари оғир, мушкил,  
Илоҳим, сен жавоб бергил,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим.

Қўринг, ажаб эрур замон,  
Қўнгилдин айлангиҳ фигон,  
Ўлур түштілган ҳар инсон,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим.

Юнус, кўп узатдинг сўзни,  
Аллоҳингга тутгил юзни,  
Дийдордин айирма бизни,  
Аллоҳ, сенга сундим қўлим...

---

<sup>1</sup> Тамуғ – дўзах.

(6)

**Ж**аннат боғи ирмоқлари  
Оқар Аллоҳ дея-дея,  
Бунда Ислом булбуллари  
Сайрап Аллоҳ дея-дея.

Солланур тубо<sup>1</sup> толлари  
Қуръон ўқирлар тиллари,  
Жаннат боғининг гуллари  
Ўсар Аллоҳ дея-дея.

Бирор ухлаб, бирор ичар,  
Малоиклар раҳмат сочар,  
Идрис набий Ҳулла<sup>2</sup> бичар,  
Бичар Аллоҳ дея-дея.

Нурдандир тол-тераклари,  
Кумушдандир япроқлари,  
Узун-узун бутоқлари  
Яшиар Аллоҳ дея-дея.


Ойдан равшандир юзлари,  
Мушку анбардир сўзлари,

<sup>1</sup> Тубо – жаннат дарахти.


<sup>2</sup> Ҳулла – жаннат либоси.




Жаннатнинг ҳури қизлари  
Кезар Аллоҳ дея-дея.



Ҳаққа ошиқ эса киши,  
Кўзларидин оқар ёши,  
Нурга тўлар ичи-тоши,  
Сўйлар Аллоҳ дея-дея.




Не тиласанг, Ҳақдин тила,  
Йўлбошли бўл тўғри йўлга,  
Булбул ошиқ бўлмиш гулга,  
Ўтар Аллоҳ дея-дея.



Очилди кўклар дарчаси,  
Рахматга тўлди барчаси,  
Жаннат саккиз эшигини  
Очар Аллоҳ дея-дея.



Ризвондирур эшик очган,  
Хулла тўнларини бичган,  
Кавсар шаробини ичган  
Қонар Аллоҳ дея-дея.



Мискин Юнус бор ёринга,  
Бугунни қўйма эртага,  
Эрта Ҳақнинг дийдорига  
Етгил Аллоҳ дея-дея.

(7)

**М**оғлар ила, тошлар ила  
Чорлагум, Мавлойим, сени.  
Саҳарларда қүшлар ила,  
Чорлагум, Мавлойим, сени.

Сув тубида моҳи<sup>1</sup> ила,  
Саҳарларда оҳу ила,  
Абдол<sup>2</sup> ўлиб, “ёху” ила,  
Чорлагум, Мавлойим, сени.


Кўк юзида Исо ила,  
Тур тогида Мусо ила,  
Кўлидаги асо ила,  
Чорлагум, Мавлойим, сени.

Дарди чексиз Аййуб ила,  
Кўзи ёшли Яъқуб ила,  
У Мухаммад маҳбуб ила,  
Чорлагум, Мавлойим, сени.

Ҳамду шукр Аллоҳ ила,  
Васфи “Қулхуваллоҳ” ила,

<sup>1</sup> Моҳи – балиқ.

<sup>2</sup> Абдол – Аллоҳнинг хос бандаси.



*Доимо зикриллоҳ ила,  
Чорлагум, Мавлойим, сени.*

*Англадим дунё ҳолини,  
Тарк этдим қилу қоли<sup>1</sup>ни,  
Бошим очиқ, оёқ яланг,  
Чорлагум, Мавлойим, сени.*

*Юнус ўқир тиллар ила,  
Ул қумри, булбуллар ила,  
Ҳақни севган қуллар ила,  
Чорлагум, Мавлойим, сени.*

<sup>1</sup> *Килу қол* — гапириш, фикр баён этиш.

(8)

*Ишқинг олди мендан мени,  
Сени тиларман мен, сени,  
Мен ёнарман куну туни,  
Сени тиларман мен, сени.*

*На борлиққа севинарман,  
На йүқлиққа күйинарман,  
Ишқинг ила овнарман,  
Сени тиларман мен, сени.*

*Ишқинг ошиғни ўлдирур,  
Ишқ денгизига толдирур,  
Тажалли ила түлдирур,  
Сени тиларман мен, сени.*

*Ишқинг шаробин сипкорай,  
Мажнун каби саҳро кезай,  
Сенсан муродим, Ҳувву Ҳай<sup>1</sup>,  
Сени тиларман мен, сени.*

*Сўфийларга сухбат керак,  
Ахийга охират керак,  
Мажнунга Лайлайдир тилак,  
Сени тиларман мен, сени.*

<sup>1</sup> Ҳувву Ҳай – агадий барҳаёт Ҳудо.

Юнус эрүр менинг отим,  
Хар күн ортиб борар ўтим,  
Икки жаҳонда мақсадим,  
Сени тиларман мен, сени...

Алтын күннен калыпташып  
Көзүйдең күннен калыпташып

Алтын күннен калыпташып  
Көзүйдең күннен калыпташып  
Алтын күннен калыпташып  
Көзүйдең күннен калыпташып

Алтын күннен калыпташып  
Көзүйдең күннен калыпташып  
Алтын күннен калыпташып  
Көзүйдең күннен калыпташып

Алтын күннен калыпташып  
Көзүйдең күннен калыпташып  
Алтын күннен калыпташып  
Көзүйдең күннен калыпташып

Алтын күннен калыпташып  
Көзүйдең күннен калыпташып  
Алтын күннен калыпташып  
Көзүйдең күннен калыпташып

Алтын күннен калыпташып  
Көзүйдең күннен калыпташып  
Алтын күннен калыпташып  
Көзүйдең күннен калыпташып

Алтын күннен калыпташып - таби таби

(9)


**К**ай тарафга күнгил сурсам,  
Тилим сени суйлаяжак,  
Қайды юрсам, қайды турсам,  
Сенсан фақат менга тилак.

**Х**ақдир сени севмасларни  
Жонсиз жасад, сурат десам,  
Унинг учун жонлиларга  
Сенинг каби маъшуқ керак.

**С**евилдинг жумла оламга,  
Хануз ниқоб ичиндасан,  
Бир дам юздан олсанг ниқоб,  
Икки жаҳон бўлгай ҳалок.

**Д**еву пари, инсу малак  
Севар сени ҳар махлукот.  
Ҳайрон бўлиб, ҳузурингда  
Бош эгурлар ҳуру малак.

**Н**ўшдоридир гар қўлингдан  
Захри қотил ичар эсам,  
Билмасман, не маъноси бор,  
Ўлур жонимга ул таряқ.



Шаҳду шакар тотсам агар,  
Сенсиз оғудир жон учун,  
Жонимнинг тотисан ўзинг,  
Ки сени деб жоним ҳалак.

Юз минг агар жабру жафо  
Этсанг менга, эй Раббано,  
Сира камаймас шодлигим,  
Шодлик менга – сени севмак.

Не ажаб, гар Юнусдаги  
Ишқ кўнглида зарра эса,  
Ишқ оти-ла қойим эрур  
Ер ила кўк, чархи фалак.

(10)

**Х**ак Чалабим, Ҳак Чалабим<sup>1</sup>,  
Сенга қолса, йўқ Чалабим,  
Гуноҳларимиз устига  
Раҳматингни тўйк, Чалабим.


Мен айтаманки, эй ғани,  
Недир бу дарднинг дармони?  
Зинҳор аяб турма мени,  
Ишқ бобида тоқ Чалабим.

Қуллар сенинг, бу қулларинг,  
Гуноҳлари кўп буларнинг.  
Сен буларни жаннатга қўй,  
Минсинлар буроқ<sup>2</sup>, Чалабим.

Не султону бойлардасан,  
Не кўшику саройлардасан,  
Кирдинг мискинлар кўнглига  
Сен унда чироқ, Чалабим.

<sup>1</sup> Чалаб – Тангри, Худо.

<sup>2</sup> Буроқ – Пайғамбар (а.с.) миниб, меърожга чиққан от.



Не илмим бор, не тоатим,  
Не кучим бор, не тоқатим,  
Магар сенинг иноятынг  
Айлар юзим оқ, Чалабим.

Ёрлақа мискин Юнусни,  
Гүнохли қулим деб уни,  
Ёрлақамас эрсанг магар,  
Унга бу фироқ, Чалабим.

(11)

Ондан келар жабру жафо,  
Мен оху воҳ этмагайман.  
Тушдим шу ишқинг ўтига,  
Ёниб, сира битмагайман.

Мен юрарман ёна-ёна,  
Жигар-бағрим тўлди қона,  
Ишқингда бўлдим девона,  
Бир дам роҳат ётмагайман.

Сенинг ишқинг денгизига  
Түшиб, энди ғарқ бўлайин,  
Бир кимса йўқ, қўлим олса,  
Чўкиб, нечук ботмагайман?

Саккиз жаннатнинг ҳуриси  
Келар бўлса бир орага,  
Харгиз уларнинг сафига  
Сени сира қотмагайман.

Юнус Эмро, сен бу сўзинг  
Юз минг бора айт, оз эрур,  
Эшишганлар ошиқ бўлур,  
Бас, нечун уватмагайман...

(12)

**К**үзим сени күрмөк учун,  
Күлім сенга етмоқ учун,  
Бугун жоним йўлга тикдим,  
Эрта сени топмоқ учун.

Бугун жоним йўлга тикдим,  
Эртага бергайсан эваз,  
Учмоҳни қўй, арз айлама,  
Арз этмадим учмоҳ учун.

Менга жаннатинг керакмас,  
Кўнглим сира унга боқмас,  
Этганим зору илтижо  
Эмасдир битта боғ учун.

Учмоҳ деган богинг, холос,  
Мўминларга орзу-ҳавас,  
Бордир унда ҳуру пари,  
Ҳавасим йўқ қучмоқ учун.

Бунда менга бердинг магар  
Ҳурлиқо жуфти ҳалол,

Үңдан-да кечдим бир йўла,  
Ёлғиз сенга қочмоқ учун.

Сўфийларга бергил уни,  
Сени тилармен мен, сени,  
Мен тарк этарманми сени  
Шу бир ола чардоқ<sup>1</sup> учун?

Юнус физон айлар сенга,  
Лутфу карам кўрсат анга,  
Зулм айлама, йўл оч менга,  
Даргоҳингга бормоқ учун.

<sup>1</sup> Ола чордоқ — ола хуржун.

(13)

*Ч*лохи, бир ишк бер менга,  
Кайдалигимни билмайин,  
Токи ўзимни тарк этай,  
Ахтариб, сүнгра топмайин.

*Х*айрону зор айла мени,  
Фарк этмай кун ила тунни.  
Доим сени истай, сени,  
Бир лаҳза айро қолмайин.

*О*л, кўтар мендан менлигим,  
Тўлдир ичимга сенлигинг.  
Тирикликда ўлдир мени,  
Бориб, мен унда ўлмайин.

*Д*ардимни сўйласам агар,  
Ким ииғлар менга, ким кулар.  
Мунча ёнарман дард ила,  
Холим тилимга келмайин.

*М*ен юраман ёна-ёна,  
Жигарим ғарк ўлди қона.



Ишқ асар этди шу жона,  
Қанчалар зори қилмайин.



Хидингни түйди шу жоним,  
Күйди, тарк этди жаҳонин.  
Билолмам, қайды маконинг,  
Сени қайлардан излайин?



Булбул бўлиб чаҳ-чаҳ урай,  
Дўст боғасида ўлтирай.  
Гулшанда гулдек очилай,  
Яшнаб ҳамиша, сўлмайин.



Мансур<sup>1</sup> каби дорга мени  
Тортса, аён кўрсам сени.  
Қурбон қиласай сенга жонни,  
Ишқимга мункир бўлмайин.



Ишқ эрур дарднинг дармони,  
Ишқ йўлига тикдим жонни.  
Юнус Эмро айтар буни,  
Бир дам севгисиз қолмайин.

---

<sup>1</sup> Мансур — машҳур мутасаввуф шайх Мансур Халлож.

(14)

*М*ұхаммадға бир кече  
Тангридан түшди буроқ.  
Жибріл деди: эй хұжам,  
Меърежга чорлади Ҳақ.

Оч үзиніңгә жинонинг,  
Биҳишту дийдор сенинг.  
Сени чорлар Субҳонинг,  
Омода бўл ҳозироқ.

Турди Меърож қасдига,  
Таҳорат – обдастига.  
Сажда қилди дўстига,  
Демади яқин-йироқ.

Чорламишиди Ҳазрати,  
Шай эди Буроқ оти.  
Нурдан эди хилъати,  
Кўзи гавҳар, юзи оқ.

Қадам бир тошға босди,  
Тош үрнидан қўзғалди.

“Коф, ё муборак!” деди,  
Колди сўнгра муаллақ.

Тош дедиким, кел тагин,  
Устимга бос қадаминг.  
Расул айтар: келгаймен,  
Буюрар бўлса гар Ҳақ.


Кўкларга хабар бўлди,  
Осмон севинчга тўлди.  
Дедилар: Аҳмад келди,  
Безанди саккиз учмоҳ.

Боқ, Мухаммад найлади,  
Кўкларни сайдир айлади.  
Умматини ўйлади,  
Аршга боргум деб шу чоқ.

Кечди у фалакларни,  
Садо келди: “Кел бери!  
Кўтардим пардаларни,  
Ҳамон жамолимга боқ.

Дийдорим сенга аён,  
Кўрсатгум равшан-баён.  
Буроқдан тушиб ҳамон,  
Аршим узра бос оёқ”.

Фаришталар келдилар,  
Буроқдан индирдилар.



Назлини дүндирилар,  
Ул дамда юрди яйк.

Увайс жойидан турди,  
Арица назлин дүндириди,  
Мухаммад уни күрди,  
Висолга дүнди фирок.

Чун дүст дүстга қовушди,  
Юз минг сүзда гаплаши.  
Умматига қайшиди  
Үнда расули мутлоқ.

Меңрождан қайтди, ана,  
Маскани бүлди хона,  
Келди, күрди, ҳали ҳам  
Түшаги эрди қайнок.

Неча минг үиллик үйлга  
Бориб келган бир дамда  
Ким эди? Юнус айтур:  
Мухаммад эди мутлоқ.

Нүкүл умматим демиши,  
Уммат ғамини емиши.  
Агар уммати эсанг,  
Исломни дегил бар Ҳак...

(15)

**Ж**оним қурбон бўлсин сенинг йўлингга,  
Оти гўзал, ўзи гўзал Мухаммад.  
Шафоат айласин камтар қулига,  
Оти гўзал, ўзи гўзал Мухаммад.

Мўмин бўлганларнинг кўпдир жафоси,  
Охиратда бўлур завқу сафоси,  
Ўн саккиз минг оламнинг Мустафоси,  
Оти гўзал, ўзи гўзал Мухаммад.

Етти қат осмонни сайрон айлаган,  
Курсининг устида жавлон айлаган,  
Меърожида умматини сўраган,  
Оти гўзал, ўзи гўзал Мухаммад.

Тўрт сахоба унинг юксак ёридир,  
Уни севган гуноҳлардан холидир.  
Ўн саккиз минг оламнинг султонидир,  
Оти гўзал, ўзи гўзал Мухаммад.

Сен ҳақ пайғамбарсан шаксиз, гумонсиз,  
Сенга эргашмаган кетар имонсиз.  
Ошиқ Юнус найлар дунёни сенсиз,  
Оти гўзал, ўзи гўзал Мухаммад.

(16)

*И злай-излай, охир топсам изингни,  
Изинг ғуборига сурсам юзимни,  
Ҳақ насиб айласа, кўрсам ўзингни,  
Ё Мұхаммад, жоним орзулар сени.*

*Бир муборак сафар бўлса-да, кетсам,  
Каъба йўлларида қумларга ботсам,  
Ой жамолинг бир кез тушда саир этсам,  
Ё Мұхаммад, жоним орзулар сени.*

*Заррача қолмади кўнглимда ҳийла,  
Сидқ ила кирмишам мен бу ҳақ йўла.  
Абу Бакр, Умар, Усмон-да билар,  
Ё Мұхаммад, жоним орзулар сени.*

*Али ила Ҳасан, Ҳусайн унда,  
Севгиси кўнгилда, мұхабbat жонда,  
Эрта Махшар куни улуғ девонда,  
Ё Мұхаммад, жоним орзулар сени.*

*Арофот тоғидир бизнинг тоғимиз,  
Унда қабул бўлур этган дуомиз,*

*Мадинада ётар Пайғамбаримиз,  
Ё Мұхаммад, жоним орзулар сени.*

*Юнус мадж айлади сени тилларда,  
Номингни ёд этиб ошиқ дилларда,  
Йиғлаб, күзёш түкиб ғурбат элларда,  
Ё Мұхаммад, жоним орзулар сени.*

(17)

*Аллоҳ нурдан яратмиши  
Жонини Мухаммаднинг,  
Оlamга раҳмат этмиши  
Номини Мухаммаднинг.*

*Дўстим дея яратмиши,  
Унинг ғамини емиши,  
Уммат ила тўлдирмиши  
Ёнини Мухаммаднинг.*

*Мухаммад бир денгиздир,  
Оламни тутиб турур,  
Етмиши мингта пайғамбар  
Кўнглида Мухаммаднинг.*

*Дунё молин тутмамиши,  
Хеч омонат ортмамиши,  
Тарзий Нажиб<sup>1</sup> тикмамиши  
Тўнини Мухаммаднинг.*

*Тангри арслони Али  
Соғида Мухаммаднинг,*

<sup>1</sup> Тарзий Нажиб – машҳур тиқувчи.

*Ҳасан ила Ҳусайни  
Сўлида Муҳаммаднинг.*

*Йилда етмиши минг ҳожи  
Ҳар бири ният этар,  
Борар, зиёрат этар  
Нурини Муҳаммаднинг.*

*Юнус, кўзинг ёшлидир,  
Маъюсдиру маҳзундир,  
Ҳар ким емас, маҳрумдир,  
Нонини Муҳаммаднинг.*

(18)

*У броҳим пайғамбар, Ҳалил,  
Назар қилмиш унга Жалил,  
Қолдик саҳроларда залил,  
Кел, борайлик Мұхаммадга.*

*Саҳронинг құмларин кечган,  
Борибон, зиёрат этған,  
Арофотға чиқиб түшіган,  
Кел, борайлик Мұхаммадга.*

*Шамдан ёруғ дарвозаси,  
Нурдан мунаввар дарчаси,  
Шафоат истар барчаси,  
Кел, борайлик Мұхаммадга.*

*Макканинг ўртаси қора,  
Мен назар этдім түрт ёра,  
Ошиқ бўлдим Пайғамбарга,  
Кел, борайлик Мұхаммадга.*

*Мұхаммад ётар нур ила,  
Атрофи тўла ҳур ила,*

Борган нурга қонар, илло,  
Кел, борайлик Мұхаммадға.

Юнус айтурки, маңбудим,  
Фоний дунёдин қүл ювдим,  
Икки жаҳонда муродим,  
Кел, борайлик Мұхаммадға.

(19)

**Ж**ақ мұяссар этса, борсам,  
Гүзәл Каъбатуллоҳ, сенга.  
Боқиб, ҳайрону лол бўлсам,  
Гүзәл Каъбатуллоҳ, сенга.

Қора тўнига ўранур,  
Ариига баробар кўринур,  
Сенга бормаган эрмидур,  
Гүзәл Каъбатуллоҳ, сенга.

Қора тўнинг ҳайбат бўлди,  
Юрагим қўрқинчга тўлди,  
Кўнглимнинг ҳасрати келди,  
Гүзәл Каъбатуллоҳ, сенга.

Кумушдан эшик очмишлар,  
Мармар тўшак тўшамишлар,  
Олтин камар бойламишлар,  
Гүзәл Каъбатуллоҳ, сенга.

Ўнг ёнингда олтин ирмоқ,  
Мавлом очса, бўлсам қўноқ,

*Бүлсам кейин Ҳаққа үйгөк,  
Гүзал Каъбатуллоҳ, сенга.*

*Нурдан әрүр бошда тожи,  
Етмииш мингидир борган ҳожи,  
Бордир юрагим соғинчи,  
Гүзал Каъбатуллоҳ, сенга.*

*Каъбанинг теграси тоғлар,  
Дийдор кўрмишдир булоқлар,  
Ошиқ Юнус Эмро йиглар,  
Гўзал Каъбатуллоҳ, сенга.*

(20)

**Ж**ақдін келған шарбатни  
Ичдик, алхамдуиллоҳ,  
Шу құдрат денгизини  
Кечдик, алхамдуиллоҳ.

**Қ**аршымизда тоғларни,  
Ёнбағрида боғларни  
Соғлик, сағолик ила  
Ошлик, алхамдуиллоҳ.

**Қ**екса әдік, ёш бүлдік,  
**Қ**анотландык, қүш бүлдік,  
Бир-бировга эш бүлдік,  
Үңдик, алхамдуиллоҳ.

**Б**орғанимиз әлларга,  
Топ-тоза күнгилларга  
Халқа Топдук<sup>1</sup> маңносин  
Сочдик, алхамдуиллоҳ.

**Б**ери кел, күришайлық,  
Ёт әсанғ, танишайлық,

<sup>1</sup> Топдук – Юнус Эмронинг лири-устози.

*Отимиз әтарланди,  
Ечик, алхамдулиллоҳ.*

*Индик, Рұмда қишиладик,  
Савоб, гуноҳ ишиладик,  
Уч баҳор келиб-кетди,  
Қўчдик, алхамдулиллоҳ.*

*Йиғилдик, булоқ бўлдик,  
Мавж уриб, ирмоқ бўлдик,  
Оқдик, денгизга тушдик,  
Тошдик, алхамдулиллоҳ.*

*Топдукнинг ёз-қишида  
Қул бўлдик эшигида,  
Юнус мискин хом эдик,  
Пишдик, алхамдулиллоҳ...*

(21)

**Ж**онлар жонини топдим,  
Шу жоним яғмо бўлсин.  
Фойда-зиёндин кечдим,  
Дўконим яғмо бўлсин.

Мен ўзлигимдин кечдим,  
Кўзим ниқобин очдим,  
Дўст васлига етишдим,  
Гумоним яғмо бўлсин.

Мендан менлигим кетди,  
Бор мулкимни дўст тутди.  
Ломаконга қавм ўлдим,  
Маконим яғмо бўлсин.

Тааллукдин узилдим,  
У дўстдин нари учдим,  
Ишқ девонига тушдим,  
Девоним яғмо бўлсин.

Иккиликдан усандим<sup>1</sup>,  
Ишқ домига қувондим,

<sup>1</sup> Усанмоқ — безмоқ, безор бўлмоқ.



Дарднинг нонига қондим,  
Дармоним яғмо бўлсин.

Борлиқ-чун сафар қилди,  
Дўст ундан бизга келди,  
Кўнглим нурларга тўлди,  
Жаҳоним яғмо бўлсин.

Кечдим битмас соғинчдан,  
Бездим мен ёзу қишдан,  
Асл бўstonни топдим,  
Бўstonим яғмо бўлсин.

Юнус, не хуш демишисан,  
Болу шакар емишисан,  
Боллар болини топдим,  
Кован<sup>1</sup>им яғмо бўлсин.

---

<sup>1</sup> Кован — асалари қутиси.

(22)

*М*ен бир ишқ бағридирман,  
Денгизлар ҳайрон менга.  
Дарё менга томчидир,  
Зарралар уммон менга.

Коф тоғи заррам эрур,  
Ой ва қүёш менга қул.  
Аслим Ҳақ, бешак дурур,  
Муршиидлар Қуръон менга.

Дўст сари элтар йўлим,  
Мулки азалдир илм.  
Севидин сўйлар тилим,  
Ишқ бўлди сайрон менга.

Ғам эрур ул боргоҳ,  
Бор эди ул подшоҳ.  
Оҳ, бу ишқ дастидин, оҳ,  
Дард бўлди дармон менга.

Одам яратилмасдан,  
Жон қолипга кирмасдан,

*Шайтон лайн бўлмасдан,  
Ариш эди сайдон менга.*

*Яратилди Мустафо,  
Юзи гул, кўнгли сафо.  
У қилди бизга вафо,  
Ундандир эҳсон менга.*

*Шафоат ахли йироқ,  
Етолмас бу манзилга.  
Мен қуш тилин биламан,  
Сўйлар Сулаймон менга.*

*Юнус бу халқ ичидаги  
Бенаводир, Ҳақ билур.  
Девонадир, чақиурур,  
Дарвешлик бўхтон менга.*

(23)

**О** шиқларга хабар айланғ,  
Ишққа күнгил берган манам.  
Ишқ бахсини айлаб, кейин  
Денгизларга түлган манам.

Еру күк түла ишқ эрур,  
Ишқдан яхиси йүқ дурур.  
Ишқнинг бахосин ким билур,  
Кони маңдан бўлган манам.

Денгиз юзидин сув олиб,  
Сувни самоларга бериб,  
Булутдайин сайрон бўлиб,  
Арига яқин борган манам.

Йилдирим бўлиб чақнаган,  
Кўкда малоик тўқиган,  
Булутларга амр айлаган,  
Ёмғир бўлиб ёқкан манам.

Кўрдим кўкнинг малакларин,  
Хар бири бир ишга тайин.

*Хақ Тангрининг зикрин этган  
Инжил манам, Куръон манам.*

*Кўрдим деган кўрган эмас,  
Билдим деган билган эмас.  
Билган улдир, кўрсатган Ул,  
Ишқка асир бўлган манам.*

*Қалам ёзар экан, кўргил,  
Хабар бўйла дурур, билгил.  
“Қооли бала”<sup>1</sup> келажагин  
Бунда хабар берган манам.*

*Девонамен, отим Юнус,  
Ишқ бўлди менга қулавуз.  
Ҳазратимга айтгил, ёлғиз  
Юз сурувни сурган манам...*

<sup>1</sup> Қооли бала – Ҳа, бизнинг Раббимиэсан!.. (Фаришталар-нинг Аллоҳга жавоби)

(24)

**Ж**е десам, бүйрүгим юрап,  
Күлимда фармон тутарим<sup>1</sup>.  
Не айласам, ҳукмим равон,  
Чун ҳукми султон тутарим.

Инс ила ул жину пари,  
Давлат менинг ҳукмидадир.  
Тахтимни еллар элтадир,  
Мухри Сулаймон тутарим.

Иблизу Одам ким эрур?  
Ёки озар, ё оздирур.  
Яхши, ёмон жумла маним,  
Барчасин маҳкам тутарим.

Дунё менинг ризқимдир ул,  
Қавми менинг қавмим дурур.  
Ҳар дам менинг ёргум<sup>2</sup> эрур,  
Ёргуни хандон тутарим.

<sup>1</sup> Тутарим — тутаман.

<sup>2</sup> Ёргу — ҳукм, ҳукм чиқариш.



Сенинг каби жон бор экан,  
Оби ҳайвон истаганни,  
Зулматларга қистаганни  
Аслида ҳайвон тутарим.



Ундан айрилсам, ўлармен,  
Унинг-ла тирик юрармен,  
Ўйламангики, тириклиkn  
Хамиша чандон тутарим.



Дину иймоним Ул эрур,  
Ундан айру ўлсам агар,  
Хочу санам бермас самар,  
На дину иймон тутарим.



Юнус айтур, йўқдур гумон,  
Ул манимдур, менман Унинг.  
Мен не десам, У Дўст тутар,  
Дўст дегани мен тутарим...

(25)

**Х**ақ бир күнгил бермииш менга,  
ха деганда ҳайрон бўлур,  
Бир дам келиб, шодон бўлиб,  
бир дам яна гирён бўлур.

Бир дам кўрарсен қиши каби,  
муз-замҳарир бўлмиш каби,

Бир дам кўрарсан яшнабон,  
гулшан ила бўстон бўлур.

Бир дам келарки, сўйламас,  
бир сўзни-да шарҳ айламас,

Бир дам тилидан дур тўкар,  
дард ахлига дармон бўлур.

Бир дам чиқар ул Ариш уза,  
бир дам тушар шу Фарш уза,

Бир дам кўрарсен, қатрадир,  
бир дам яна уммон бўлур.

Бир дам жаҳолатда қолур,  
хеч нарсани билмай турур,

Бир дам тўлиб ҳикматга ул,  
Жолинусу Луқмон бўлур.

Бир дам бўлур деву пари, вайроналар бўлгай ери,  
Бир дам учиб Балқис<sup>1</sup> ила  
султони инсу жон бўлур.

Бир дам яна масжид борар,  
сажжодаларга юз сурар,  
Бир дам кирап дайр ичра зуд,  
Инжил ўқиб, руҳбон бўлур.

Бир дам келиб Исо каби, бергай ўликларга ҳаёт,  
Бир дам тақаббурлик қилиб,  
Фиръавну Ҳомон бўлур.

Бир дам бўлиб нақ Жабраил,  
раҳмат сочар мажлисга ул,  
Бир дам қолур гумроҳ яна,  
мискин Юнус ҳайрон бўлур...

<sup>1</sup>Балқис – Сулаймон пайғамбарнинг севгилиси.

(26)

**Ж**етармен бу күнгил ила,  
Маним ила бир дам турмас.  
У дўст юзин кўрди яна,  
Насиҳат йўлига юрмас.

Тангри учун, эй оқиллар,  
Кўнглим менга билиб беринг.  
Борди, дўст ила топишиди,  
Энди менга бўйин эгмас.

Бунинг каби күнгил ила,  
Нечук тириклик айлагум?  
Ташлади-кетди дашт аро,  
Бир кун келиб, ҳолим сўрмас.

Кўнгил, менга йўлдош экан,  
Зуҳду тақво айлар эдим.  
Бузилди у тартибларим,  
Кўнгилсизман, қўлим етмас.

Кўнгил ичкари дўст ила,  
Мен эшикда фарёду зор.

Минг йил фарёд чекар бўлсам,  
Кимдир бу деб парво қилмас.

Айтар эсам, аё кўнгил,  
Қани фарзу қани суннат?  
Айтарки, не ташвиш менга,  
Севгидир бу, амал эрмас.

Фарёд чекиб, айтар эсам,  
Бўйнингда қарзинг бор, кўнгил.  
Уриб-суреб ҳайдар мени,  
Койирки, эй Ҳақни кўрмас!

Оғиз оғиздан қутлидир,  
Агар у сўзингиз олса.  
Мен юз минг йил сўйлар эсам,  
Сўзим қулогига кирмас.

Кўнглим у ён, жоним бу ён,  
Иккиси олди бир йўла  
Юз минг Юнусдин фароғат,  
Дўстим бўлиб, кўзинг кўрмас...

(27)

**Д**ана келди ишқ элчиси,  
Яна түлди майдонимиз.  
Яна фароғатгоҳ бўлди,  
Ўнгдан сўлга ҳар ёнимиз.

Яна мажлислар тузилди,  
Яна косалар тизилди,  
Яна қадаҳлар сунилди,  
Маст-аласт бўлди жонимиз.

Уй ичи ишқ ила түлди,  
Катта-кичик ошиқ бўлди.  
Жонларимиз ҳайрон қолди,  
Таралди паришонимиз.

Бир нечамиз Лайлобўлдик,  
Бир нечамиз Мажнун бўлдик,  
Бир нечамиз Фарҳод бўлдик,  
Ишқдин хабар топгонимиз.

Майдонимиз майдон бўлиб,  
Жонларимиз ҳайрон бўлиб,

*Арига стиб, сайрон бўлиб,  
Ҳазрат бўлди равонимиз.*

*Йиқилмишдик, Ҳақ кўтарди,  
Бирлигин бизга билдири,  
Ичимиизга ишқ тўлдири,  
Тўкис бўлди иймонимиз.*

*Сўрар эсанг: ишқ қайдадир?  
Қайда истарсен, ундаридир.  
Ҳам кўнгилда, ҳам жондадир,  
Ҳеч қолмади гумонимиз.*

*Юнус ишқнинг васфин сўйлар,  
Ҳақиқатдин хабар айлар.  
Махрумларнинг ичи ёнсин,  
Ошкор бўлди пинҳонимиз.*